

ЛЕНИН ЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ ВА ЯШАЙМИЗ!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 МЙОНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 92 (18.569) Жума, 1983 йил 22 апрель Баҳоси 3 тийми.

БАХТИМИЗ МЕЪМОРИ

Мамлакатимиз халқлари, бутун прогрессива инсоният бугун шонли санани нишонламоқдалар. Бундан 113 йил муқаддам, 22 апрель кун дунёда энг буюк инсон Владимир Ильич Ленин дунёга келди. Инсоният тарихида янги давр — жаҳон миқёсда капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берган сурунли асримизда юз берган барча революцион ўзгаришларнинг шаҳараси, бутун дунё меҳнат аҳлининг ёруғ истиқболга катта умидлар билан юзланган кун шундай тарихий санадан бошланган. Зеро, Н. К. Крупская сўзлари билан айтганда, унинг қалби барча меҳнаткашларга, барча мазлумларга қизғин меҳр-муҳаббат туйғуси билан тўлган эди.

Улуғ дохил тўғилган кунининг 96 йилги байрам башарият ҳаётидаги бошқа муҳим ва тарихий юбилейлар — илмий коммунизм назариясининг ижодкори, биринчи коммунист Карл Маркс тўғилган кунининг 165 йиллиги, В. И. Ленин барпо этган большевиклар партиясининг 80-йиллиги билан пайвандаллашиб, дилларга алоҳида завқ-шавқ бағишламоқда.

Йиллар ўтиши билан қадрдон ва устоз Ильичнинг номи ҳаммамиз учун янада аъзо бўлиб қолмоқда. Буюк тарихий ишлари эса мислсиз кенг миқёсдаги яратувчилик фаолиятларимизга илком манбам, қудратли ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

В. И. Лениннинг инсоният олдиданги буюк тарихий хизмати шундаки, у марксизмни янада ривожлантириб, Россия пролетариатининггина эмас, шу билан бирга бутун жаҳон ишчилар ҳаракатининг синфий кураш тажрибасини, мазлум мустамлака халқларининг миллий-озодлик кураши тажрибасини ҳам чуқур илмий таҳлил қилди ва умумлаштирди. Бу ҳол унга ижтимоий тараққиётнинг бутун боришини буюк даҳо кучи юксалигидан туриб кузатиб, шу ривожланишнинг асосий йўналишларини пухта белгилаш, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар ҳаракатининг олий мақсади — коммунизм куришга эришиш йўлларини аниқ кўра олиш имконини берди.

Россияда марксистик партиянинг барпо этилиши В. И. Ленин бутун революцион фаолиятининг гўлтоғидир. «Ленин партияси босиб ўтган йўл — ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона кураш ва ғалабасар йўлдир», дейилган КПСС Марказий Комитетининг РСДРП II съездининг 80 йиллиги тўғрисидаги қарориде. Мамлакат таъдирини қўлга олиш учун таъсир ўтказиб қолмай, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришини тубдан ўзгариштириб юборган улуғвор ўзгаришлар Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилди. Совет халқи КПССни ўзининг синалган авангарди деб, ўзининг туб манфаатлари ифодачиси деб билимда, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, янгилик билан қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсатни амалга ошириш учун актив курашмоқда.

Партия билан халқнинг революцион-ўзгаришчилик фаолияти натижасида Октябрь Ватани бўлиш СССРда социализм қўрилди. Янги тузум инсоният тарихида биринчи марта ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигини қарор топтирди, синфий ва миллий антагонизмларга, эксплуатация ва ишчиларга зотима берди, чинакам озодлик келтирди, моддий ва маданий ютуқларини меҳнаткашларга хизмат қилди.

Биз Ленин партиясининг миллий муносабатлар соҳасидаги муваффақиятлари билан ҳақиқатан фахрланамиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси тўғрисида мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг социал, иқтисодий ва маданий тараққиёти учун мислсиз имкониятлар яратилди. Янги, социалистик дунёни, гуманизм дунёсини яратиш давомида совет кишининг ўзи камол топиб, илм-фан, маданият чўққиларига кўтарилмоқда, мамлакатимиз олдига турган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни улуғ Ленин орзуларига монанд равишда, давлат манфаатларини кўзлаб ҳал қилмоқда.

Мамлакатимизда Ленинча миллий «ёшасан тантанасига» буюк Советлар дивизиянинг Шариди машъали — бизнинг республикамиз ижрор мисолдир. Бугунги Ўзбекистон — саноат ва қишлоқ хўжалиги юксак даражада тараққий этган ўлка, мамлакат янги халқ хўжалиги тармоқларининг ажралмас қисми. Илм-фан, адабиёт ва санъат кенг ривож топиб, умулсовет маданияти хазинасига янги сайин салмоқли ҳисса қўшмоқда. Азизат ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг ғайрат кучи билан эришган бугунги ҳаётимизга, порлоқ истиқболга шонли Коммунистик партия, Совет давлати, қадрдон оғамиз улуғ рус халқи, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг бағраза ва ҳар томонлама ёрдами тўғрисида эришдик. Шу бондан ҳам улуғ дохил ардоқларга, партиямиз аъзолаб келатган залиқлар дўстлиги, пролетар интернационализмга абадий содиқмиз.

Йилдан йилга, беш йилликлар сайин мамлакатимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг яратувчилик куч-ғайрати тобора ёрқин намойи бўлмоқда. КПСС XXVI съезди томонидан ишлаб чиқилган социал ва иқтисодий стратегия талқ фаровонлиги, СССРнинг иқтисодий ва маданий қудратли тобора ошиб бораётганлигида ўз ифодасини топаётди.

КПСС Ленин йўлидан бориб, барча республикаларнинг имкониятлари ва ресурсларини яхлит бир хўжалик тармоқига бириктирмоқда, мамлакат халқ хўжалиги комплексини такомиллаштирмоқда ва мустаҳкамламоқда. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида ва «СССРнинг 60 йиллиги» докладыда Совет Социалистик Республикаларнинг моддий ва маънавий потенциалини янада кўпайтириш ва улардан максимал даражада фойдаланишга алоҳида эътибор берилган.

Ленинчи партиямиз бугунги кунда совет кишинларнинг куч-ғайратини ўн биринчи беш йиллик топириқларини, СССР Озиқ-овват программасини муваффақиятли бажаришга сафарлар этар экан, айни заўда қадрларнинг топириқларини шун учун маъсулларини оширишни, ушшоқликни, меҳнат интизомини ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришни, меҳнат коллективларида хўжалик, коммунистик ахлоқ нормаларини бузиш ҳолларига қарши муросасизлик қайғисини юзукда келтиришни, социалистик фикрнинг кучайтиришни талаб қилмоқда. Бизда шундай муҳит ҳужирон бўлиши керакки, ҳар бир совет киши аввало ўзини фойдаланган, мамлакат фойдаланган ҳалол, ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш билан ватанпарварлик ва интернационал бурчинни бажарётганини чуқур тўшиниб етсин.

В. И. Ленин даҳоси, у барпо этган Коммунистик партия ва халқ иродаси билан барпо этилган ССР Иттифоқи — социал адолат ва қардошларча дўстлик тиксонидир. СССР пролетар интернационализм байрогини баянлаб кўтариб бормоқда. Коммунистик партия ва Совет давлати ўзаро ёрдам ва дўстлик принципларига анал қилиб, қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириётди. Совет Иттифоқи озодлик, тинчлик иш учун барча курашчилар билан бирдмилликни мустаҳкамламоқда, ядро урушининг олдини олиш, жаҳон халқларига тинч осмон остида оқойишта ҳаёт бағишлаш йўлидан оғишмай бормоқда.

Ленин ҳаммиза биз билан, ўй ва режаларимизда, бунёдкор ишларимизда яшамокда!



Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).



Кема командири подполковник Владимир Георгиевич ТИТОВ

Владимир Георгиевич Титов 1947 йилнинг 1 январда Чита областидаги Сретенск шаҳрида туғилган. 1970 йилда Черногов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлагандан кейин ҳарбий ҳаво кучларида учувчи инструктор бўлиб, сўнгра эса авиация полки эвеносининг командири бўлиб хизмат қилди. Ўн қанча типдаги самолётларни ўзлаштириб олди. «1 класс ҳарбий учувчи» ва «3 класс синовчи учувчи» малакаларига эга. В. Г. Титов — 1971 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси. Владимир Георгиевич 1976 йилда космонавт лар отрядига аъзо қилиб олинди. У «Союз Т-3» кемаларида ва «Салют-6» орбитал станцияларида космик училарга тайёргарлик куришнинг тўлиқ курсидан ўтди.



Борт инженер Геннадий Михайлович СТРЕКАЛОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Геннадий Михайлович Стрекалов 1940 йил 28 октябрда Москва областининг Митишчи шаҳрида туғилган. У 1965 йилда Бауман номи Москва олий техника билим юртини тамомлади ва конструкторлик бюросида иш бошлади. Геннадий Михайлович ўзини ташаббускор ва истеъодли инженер эканлигини кўрсатиб, космик аппаратларни ишлаб чиқишда ва синаб кўришда иштирок этди. Г. М. Стрекалов — 1972 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси. У космонавтлар отрядига 1973 йилда қабул қилинди. Геннадий Михайлович 1980 йилда «Союз Т-3» кемасида ва «Салют-6» орбитал станциясида тадқиқотчи космонавт сифатида биринчи марта космосга учган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида «Карл Маркс ва ҳозирги замон — тинчлик ва тараққиёт учун кураш» мавзусида Берлинда ўтказилган халқаро илмий конференцияда КПСС делегациясининг иши тўғрисидаги ахборотни тинглади. Конференция марксизм-ленинизм назарияси ҳаётининг, шу назариянинг амалдаги ифодаси сифатида реал социализм ролининг, социализм билан тинчлик учун кураш ўрнатилган мустаҳкам алоқанинг, коммунистик ҳаракат ҳамда илмий ва социал озодлик йўлидаги турли ҳаракатларнинг интернационал бирдамлиги муҳимлигининг ёрқин намойиши бўлганлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва област партия комитетлари биринчи секретарларининг шу йил 18 апрелда бўлиб ўтган кенгашида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг бир қанча масалаларини кўриб чиқди. Шу йил ҳосил йиғим-теримини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни таъминлаш ҳамда 1983—1984 йилги маъсумда қорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар маъқулланди.

Қишлоқ хўжалик машиналарининг баъзи турларини ишлаб чиқарувчи қувватларни юзукда келтиришни янада яхшилаш ҳамда 1984—1985 йилларда Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг қор-қонларида шундай машиналар ишлаб чиқаришни қўлай-тириш тадбирлари белгиланди. Қишлоқ умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг меҳнат таълимини, тарбиясини, касб тайёлашини яхшилаш, уларни битириб чиқувчи ёшларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мустаҳкам жойлаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида 1983—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда Забайкалье ҳамда Узоқ Шарқ районларида ёқилги-энергетика базисини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советининг Ленин комсомолы номи автомобиль заводида енгил автомобилнинг янги моделини ва автомобилсозлик соҳасидаги илғор ютуқлар негизида унинг модификацияларини ишлаб чиқарадиган корхонани барпо этиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига доир бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«СОЮЗ Т-8» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1983 йил 20 апрель Москва вақти билан соат 17 дан 11 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-8» космик кемаси учурилди. Кемани унинг командири подполковник Владимир Георгиевич Титов, борт инженери Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Геннадий Михайлович Стрекалов ва тадқиқотчи-космонавт, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Александр Александрович Серебровдан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программасида «Союз Т-8» кемасини «Салют-7» — «Космос-1443» орбитал комплекси билан туташтириш кўзда тутилди.

Экипаж одам бошқарадиган комплекс ичида илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларни бажаради.

Космонавтар Титов, Стрекалов ва Серебров ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Союз Т-8» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Болгария Фанлар академияси экономика институтининг катта илмий ходими Х. Ноков, Германия Демократик Республикасида доктор Э. Ульман, Польшада профессор В. Серпински, совет олимлари Э. К. Василевский, В. Д. Мартинов, М. А. Портной ахборот берди.

Нутқларда капиталистик экономиканинг меҳнаткашларнинг ҳаётини манфаатларига тубдан энд бўлган ғайринисоний моҳияти таъкидлаб ўтилди. Проблема комиссияси ишчи гуруҳларидан бирининг координатори, иқтисод фанлари доктори Е. В. Бугров капиталистик экономикани миллионлаш ишчилар турмуш даражасининг пайсайд кетиши билан боғлиқ муқаррар оқибатларини таъкидлади. Комиссияда буржуа иқтисодий назарияларини таъкид ишчи гуруҳларини бошқарувчи чехословакиялик профессор Ш. Геретик гуруҳга олиб борган ишлар тўғрисида, етукда масалаларни ишлаб чиқишда социалистик мамлакатлар олимлари куч-ғайратларни биллаштириш самарадорлиги тўғрисида таъкидди.

Болгариялик экономист доктор С. Коцев ва Чехословакия Фанлар академияси экономика институтининг директори, профессор К. Рубал ўз нутқларини илмий коммунизм асосини Карл Маркснинг асарларига бағишладилар. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Александр Александрович Серебров 1944 йил 15 февралда Москвада туғилган. У 1967 йилда Москва физика-техника институтини тамомлади. Шундан кейин туққиз йил мобайнида мазкур институт кафедраларида биринчи илмий фаолият билан шуғулланди. Техника фанлари кандидати А. А. Серебров 1976 йилдан буюн конструкторлик бюросида ишламоқда. А. А. Серебров — 1976 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси. Александр Александрович 1982 йил август ойида «Союз Т-7» кемаси ва «Салют-7» орбитал станциясида биринчи марта космосга учган эди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУХБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кенгайт, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 21 апрелда Вьетнам Социалистик Республикасининг ССРдаги элчиси Динь Ньс Лемиан қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съездининг тарихий режаларини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларидан баён этилган қондалар ва ҳу-лосалардан келиб чиқадиган вазифаларни қандай амалга ошираётганлигини тўғрисида сўзлаб берди. Республика партия ташкилоти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида давлат интизоми, план ва меҳнат интизомини муносили мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадни кўзлаб ишламоқда, саноатда меҳнат унумдорлигини ўстиришга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишга эришмоқда.

Совет халқи КПСС Вьетнам халқи ўртасидаги, КПСС билан Вьетнам Коммунистик партияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик доимо мустаҳкамлашиб, ривожланиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Вьетнам Социалистик Республикасининг элчиси ўз мамлакатига совет кишинлари бераётган ёрдам учун миннатдорчилик изҳор этди. У Ўзбекистоннинг ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифати юксак баҳо берди. Ана шу ўқув юртларини битириб чиққан мутахассислар эндиликда Вьетнам халқ хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқларида муваффақиятли равишда меҳнат қилмоқдалар.

Сўхбатда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Д. Ярушин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудири С. А. Нишонов, Х. Р. Рашидов, республика олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пулатов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

КАПИТАЛИЗМ ЭКОНОМИКАСИНING МОҲИАТИ — ИНСОНПАРВАРЛИККА ЭИД

Социалистик мамлакатлар Фанлар академияларининг кўп томонлама ҳамкорлиги «Ҳозирги замон капитализмининг тадқиқ этиш халқаро проблема комиссиясининг Тошкентда ўтказган мажлиси қатнашчилари 21 апрель кунини «Капиталистик мамлакатлар экономикасидаги структуреллиги билан ва структура сифати» деган асосий мавзу юзасидан докладларини муҳокама қилишни тамомладилар.

Болгария Фанлар академияси экономика институтининг катта илмий ходими Х. Ноков, Германия Демократик Республикасида доктор Э. Ульман, Польшада профессор В. Серпински, совет олимлари Э. К. Василевский, В. Д. Мартинов, М. А. Портной ахборот берди.

Нутқларда капиталистик экономиканинг меҳнаткашларнинг ҳаётини манфаатларига тубдан энд бўлган ғайринисоний моҳияти таъкидлаб ўтилди. Проблема комиссияси ишчи гуруҳларидан бирининг координатори, иқтисод фанлари доктори Е. В. Бугров капиталистик экономикани миллионлаш ишчилар турмуш даражасининг пайсайд кетиши билан боғлиқ муқаррар оқибатларини таъкидлади. Комиссияда буржуа иқтисодий назарияларини таъкид ишчи гуруҳларини бошқарувчи чехословакиялик профессор Ш. Геретик гуруҳга олиб борган ишлар тўғрисида, етукда масалаларни ишлаб чиқишда социалистик мамлакатлар олимлари куч-ғайратларни биллаштириш самарадорлиги тўғрисида таъкидди.

Болгариялик экономист доктор С. Коцев ва Чехословакия Фанлар академияси экономика институтининг директори, профессор К. Рубал ўз нутқларини илмий коммунизм асосини Карл Маркснинг асарларига бағишладилар. (ЎзТАГ).

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ


21 апрель кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбар қадрлари назарий семинарининг навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор И. Е. Гурьев «Ҳозирги замон капитализмининг иқтисодий аҳволи» мавзусида лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

УЛУҒ ЛЕНИН

Биринчи ҳайкал

Мана бу тарихий обида Туркистон ўлкасида жаҳон пролетариати доҳийси В. И. Ленинга ўрнатилган биринчи ҳайкал ҳисобланади. Уни Тошкентдаги ҳозир Октябрь Революцияси номи билан аталётган Тепловоз ремонт заводи ишчилари ўз кучлари билан 1925 йилда бунёд этганлар.

В. Сироткин фотоси.



Камтария камол

«Камдан-кам учрайдиган «энг оддий» хусусиятларидан бири Владимир Ильични тенги йўқ атоқли бир киши қилиб қўйган эди: бу хусусият шундай эдики, у фақат ўртоқларига эмас, ҳоҳ Марказий Комитет аъзоси ёки оддий партия аъзоси бўлсин, балки умуман одамларга ҳам (хоҳ бирон машҳур киши ёки оддий фаррош аёл бўлсин) гоёт меҳрибонлик, сезирлик, дилкашлик, оддийлик, камтарлик билан муомала қиларди».

В. А. КАРПИНСКИЙ.

Халқимизда «Камтарга — камол, манманга заволи» деган мақол бор. Улуғ инсонлар камтарлик тўғрисида қамолотга эришганлар. Ҳаммага маълумки, башариёт доҳийси В. И. Ленин оддийлик ва камтарлиқнинг ёрқин тимсоли бўлган. Катта-кичикка меҳрибонлиги, камтарлиқни принциплари билан, ҳодимларга ҳамхўрлиқни талаб-чиллик билан ўзи боғлаб олиши доҳийини одамларга яқин қилиб қўйган ва чексиз меҳр-муҳаббатга сазовор қилган эди.

Коммунистик партия улуғ Ленин кўрсатмаларига оғишмай, амал қилиб, кадрларни ростиш, тўғривор эҳтиёжларига нисбатан сезирлик, камтарлик руҳида тарбиялашга ҳамisha катта эътибор бериб келмоқда. Халқ орасидан етишиб чиққан, омма билан муштарак бўлган, оддийлик ва ҳушфайлиги билан қалбларга йўл топа олган ҳодимлар ҳамма вақт ҳурмат ва обрў қозонишди. Халқ ибориси билан айтганда, давлатнинг меъаси қанча мўл бўлса, шоян шунча эгик бўлади. Узоққа бормай бир-икки миш келтиришқимдан, Ҳонқа районидagi Ал-Хорезмий номи соҳов директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Васильевич Ким раҳбарлик лавозимларида ишлаб бoшлаганига ярим асрдан ошди. Партия ва хўжалик бoшлаганига ярим да кўп йиллар ишлаган, ҳозир йилнинг шoлиқлари соҳовда қарбхўрлик қилётган бу ўтюрк коммунист ҳеч қачон ва ҳеч қачонда амалии, хамтарлиқни пеш қилмаган. Кабинети ҳамма учун очик, кўп вақтини одамлар орасида ўтказди. Хушмуомалалиги, ширинсуҳилиги нур устига нур. Ёшнинг тўй-маракасидан қолмайди, имкoни бoрича кишиларнинг оғирини енгил қилади. Турар жойи, мол-бисоти, киими ҳеч қимматидан ортик эмас. Ишчилар директори ота деб бoшига кўтаришди, сўзини ҳеч қачон икки қилмайди. Коллектив қозонаётган зафарларда хўжалиқнинг моҳир дарғаси Н. Кимнинг ҳиссаси озмаунча эмас. Яна бир мисол: Ҳазореп районидagi Фрунзе номи колхознинг бригада бошлиги Салой Худойкулиев пахта устаси сифатида элга доврўк тарғатди, 60 центнерчилик ҳаракатининг байроқдори бўлди. Рекорд ҳосил иқдорори катта ютқўлар кўлга киритилса, ҳам заррча кибранмади, янги юксак марраларни кўзлаб, олға интилди. С. Худойкулиев Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвoнига сазовор бўлган, СССР Олий Совети депутатлигига сайланган дaмларда ўзининг вазмини ва камтар инсон эканлигини кўрсатди, шуҳратга маҳлиб бўлмади. Камтарлиқни кўпдан бермади, натижада унга ҳамманинг илҳоси ва ишончи ошди. Бундай гўзал фазилатли кишилар оз деисинми.

Эътироф қилиш керакики, ўзига бино қўйган, мамлакатнинг меъсимайдиган қалонидоғи ҳодимлар баъзан учраб туради. В. И. Ленин Бирон раҳбар ҳодимда тақаббурилик ва мактанчиликни курс, асло тоқат қилмасди, амаллараст ва бюрократларга муросасиз эди. Илмий муҳожирлик йилларида қандай кун кечирган бўлса, Совет давлатининг раҳбари лавозимда ҳам оддий, камтарин яшаган, зеб-зийнатга, киим-кечакка, мол-дунёга ҳирслиқдан ортиқча дoбдабадан қочган. Ўз ҳаётининг шу жиҳатларини буюк устоз турмуши билан тақослаб кўриш, ўзини туттишда, юриштиришда доҳийдан андоза олиш ҳар бир ҳодим учун муҳим ва фойдали, деб ўйлаймиз. Ўзини одамлардан юқори қўйиш, пок-қайдилик, кўпчилик каби одадлар раҳбарини оммадан узоқлаштириш, бундай киши эл назаридан қолади. Хулоса қилиб айтганда, софдиллик, камтарлиқни Илмичдан ўргенасан арзийди. Доҳийнинг ҳаёт йўли — биз учун катта мактаб ва дастурдир.

О. ОТАЖОНОВ.

республика иқтисодидаги шахсий пенсионер, 1929 йилдан КПСС аъзоси, «КПСС сафида 50 йил» ишондор.

Меҳнат унумдорлиги пировард натижада янги ижтимоий тузумнинг ғалаба қилиши учун энг муҳим, энг асосий нарсадир.

В. И. ЛЕНИН.

ИШЧАНЛИК

корлиги, ишчанлиги билан кўпчиликини ортидан эргаштириши кераклигини қайта-қайта таъкидлар эди. Район партия комитети шу васиятга амал қилиб, масъулиятли участкаларга ишчан кадрларни қўйиш, ҳар бир коммунистда ўз вазифасига ижодий ёндашшга фазилатларини синдириш ҳақида қайғурмоқда. Қолаверса, райоимизнинг эртанги янада нурли истиқболли таъминлашда бу ҳал қилувчи омилдир.

Бу ўринда «Пахтакор» колхозини мисол қилиб келтириш ўринлидир. Хўжалиқнинг даромади қанчалик, одамларнинг меҳнатдан моддий манфаатдорлиги пайсалиб борди. Оқибатда айрим деҳқонлар бошқа хўжаликларга, шаҳар ва район марказларига кетиб қола бошлади. Райком бюроси бу камчилик сабабларини таҳлил қилиб, пухта ўрганиб чиқди. Маълум бўлдики, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хотиржамлик кайфиятига берилган, айрим раҳбарлар манманлик йўлига кирган эканлар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти состави ишчан, обрў-эътиборли кадрлар билан муштаракланди. Колхоз раислигига таърибали мутахассис Эдибой Ашуров, парком секретарлигига эса Муртазо Вафоев ўртоқлар сайландилар. Оран кўп вақт ўтмай ишда кескин бўрилиш юз берди. Колхозчиларда умум ишига бўлган меҳр-муҳаббат қучайди, колхозни «тарк» этган айрим кишилар қайтиб кела бошлади. Ҳосилдорликда 20 центнерлик натижа кўрсатиб юрган колхоз бир йилдаёқ 38 центнерга етди.

Кўринадик, ҳар қандай коммунист, оддий ҳодим ўз касбидо сadoқат билан меҳнат қилса, малакасини маҳоратини ошириб бoрса, ўзининг ишга муносабати билан коллектив-

нинг ишончини қозона олса, ҳаракатлари асло исиз қолмайди. Шахсий ибрат, ташаббускорлик кўрсатмай туриб, кўпчиликини катта ишга бошлаш қийин. Районимизда гайрат-шижоати, шахсий манфаатини умум манфаатга бўйсундира олиши билан ўз коллектив, ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонаётган коммунистлар кўп. «Октябрь» колхозининг дондор бригада бошлиги Жўракул Саидовнинг номи кўпчиликка яхши таниш. Ташаббускор коммунист қўндалик фаолияти билан хўжалик манфаатига қайишадиган жонқуяр киши эканлигини намойиш этмоқда. У 1981 йилда ўз истаги билан колхознинг қоқоқ бригадасига ўтган эди. Тадбиркор, муруватли деҳқон бу бригадада ҳосилдорлиқни 17 центнерга оширди. Ёнгелс номи колхозининг бригада бошлиги Иброҳим Жўраев ҳам Саидовнинг ташаббусига қўшилиб, кам ҳосилли бригадага ўтти меҳнат қилмоқда. У бошлик коллектив бир йилда пахта ҳосилдорлигини 12 центнер кўпайтиришга аҳд қилди. Сергайрат механизаторларимиздан Жаҳон Раҳимов, Қаҳор Сатторов, Неки Бегиев, Суннат Қудратов, сўт соғувчи Хонзода Рашидова, пахтакорлар Хусен Каримов, Бобомурод Ҳамидовлар ҳам ана шундай ишчан коммунистлардир. Район партия ташкилотлари теварагига уюшган 2700 дан зиёд коммунист орасидан сергайрат, сўз ва иш бирлигига эришаётган кишиларни кўлаб кўрсатиш мумкин.

Раҳбар кадрларимиз, ишчан коммунистларимизнинг кучи, қобилияти ва маҳоратига суяниб, бу йил райоимиз меҳнат аҳли ўз зиммасига юксак социалистик мажбурият қабул қилган. Ўзак йилда давлатга 60 минг тонна пахта, 23 минг тонна дон, 1350 тонна мева ва бошқа кўлаб турли хил маҳсулотлар етказиб беришга аҳд қилганми. Меҳнат коллективларидаги соғлом маънавий муҳит, кишиларимиздаги ишчанлик фазилати бу юксак мажбуриятларни бажаришнинг муҳим гарови бўлганди?

И. НАИМОВ.

Вобкент район партия комитетининг биринчи секретари.

Владимир Ильич Ленин 1921 йил 9 январда Горки қишлоғи деҳқонлар олдига сўзламоқда (расм Н. А. Сиксов картинасидан репродукция). Н. Акимов фотоси (ТАСС).

Олий мактаб байроғида — Вьетнам ордени

Абу Райхон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги ордени Тошкент республикасидаги унвонига эмас, шу билан бирга кўпгина чет мамлакатлар — Афғонистон, Лаос, Куба, Ҳиндистон, Тунис ва бошқа мамлакатлар учун ҳам юқори малакали инженер кадрлар тайёрлайди. Вьетнамнинг ўзидоги халқ хўжалигининг турли соҳаларида шу институт тайёрлаган 200 дан кўпроқ мутахассис муваффақиятли равишда меҳнат қилмоқда. Ҳозир институтда ана шу мамлакат ёш вакилларида ана 70 киши шуғулланоқда. Тошкент олий ўқув юртини Вьетнам Социалистик Республикасининг Давлат Кенгаши ВСР учун мутахассислар тайёрлаш ишидоги катта хизматлари учун Дўстлик ордени билан мукофотлангани олий мактабнинг ишлаб чиқариш командирларини тайёрлаш соҳасидаги хизматларининг эътирофи бўлди.

21 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу мукофотни топширишга бағишланди. Вьетнам Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси Динь Ню Лиам йиғилиш аҳлининг қараклари остида орденини институт байроғига қадаб қўйди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари Н. Н. Софиский институт коллективини юксак мукофот билан мубо-робда эъти. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пётров, ТошПил ректори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. С. Ахмедов, унвон курс студенти Сайёра Ахмедова олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчи состави, бутун коллектив меҳнатига берилган юксак баҳо учун қардош Вьетнамга қизил миниядорчилик изҳор этдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистондаги Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олий ва ўрта махсус таълим министрлари ўринбосарларининг Тошкентда ўтказилётган кенгаши қатнашчилари: Болгария Халқ Республикасидан — М. Савов, Венгрия Халқ Республикасидан А. Корчог, Германия Демократик Республикасидан Г. Бернхардт, Куба Республикасидан А. Р. Перес, Польша Халқ Республикасидан Ж. Анжей, Чехословакия Социалистик Республикасидан Я. Дзак ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).



ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

Совет Иттифоқи коммунистлари, меҳнаткашлари, ер юзидаги бутун прогрессив инсоният кишилик тарихидаги буюк санани — Владимир Ильич Ленин барпо этган бошбашевистик партиянинг 80 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил гайрат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП» иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида» ақидо қабул қилган қароридо партиямиз тўплаган катта таърибга умумлаштириб берилди, унинг кўп қиррали фаолиятининг ҳозирги босқичдаги асосий мазмуни ва вазифалари очиб берилди.

Партиянинг барпо этилиши гениал мутафаккир, К. Маркс билан Ф. Энгельс буюк ишининг издоши ва давомчиси бўлиши В. И. Лениннинг жуда катта назарий ва амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. В. И. Ленин уларнинг таълимотиини империализм ва пролетар революцияларидоги партиянинг таърибига таъриб билан ривожлантирди, социализмнинг дастлаб алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлигини ҳақида хулоса чиқарди, революцион таърибани умумлаштириш ва атрофдаги таҳлил этиш асосида ишчилар синфи озодлик ҳаракатининг туб масалаларига жавоб берди.

Партия билан халқнинг

революцион-ўзгартирувчилик фаолияти натижада СССРда социализм қурилди. Янги тузум инсоният тарихида биринчи марта ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигини қарор топтирди, синфий ва миллий антагонизмларга, эксплуатация ва ишсизликка хотима берди, чинакам озодлик келтирди, моддий ва маънавий маданият ютуқларини меҳнаткашларга хизмат қилдириди. Капитализмдан социализмга ўтиш даврининг туғилгани ҳақида социалистик турмуш ютуқларининг мустақамланиши билан мамлакатда тенг ҳуқуқлилик, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари вуҷудга келди, халқнинг маънавий-сиёсий бирлиги қарор топди. Марксизм-ленинизм совет жамятининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолди.

Бу муҳим ҳужжатда бошқа масалалар билан бир қаторда, партияимизнинг миллий қурилиш соҳасидаги тарихий таърибаси ҳам баътафсил ёрилган. «Ленин партияси миллий муносабатлар соҳасидаги муваффақиятлар билан ҳақли равишда

фахрланади, — дейлади қарорда. — Бизга эксплуататор тузум мерос қилиб қолдирган шаклдаги миллий масала батамом ва узи-ке-сил ҳал этилди. Тарихда биринчи марта мамлакатнинг кўпмиллатли состави унинг заифлиги манбаидан унинг қудрати ва гуллаб-яшнаши манбаига айланди. Кишилар янги тарихий бирлиги — совет халқининг ташкил топиши ва ривожланиши жамят социал ва интернационал

бирлигининг олий ифодаси бўлди. ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 80 йиллигини байрам қилиш қардош халқлар бузилмас жипслигининг ёрқин намойишига айланди».

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, шунингдек, «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида», «РСДРП» иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида» қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг 60 йиллиги» ҳақидаги доклады муносабати билан етук социализм шариоитида миллий муносабатларни ривожлантириш назарияси ва практикасини ўрганиш, унинг моҳия-

тини чуқур тушуниб етиш жуда катта ижтимоий-сиёсий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

СССРда етук социализм қурилганлиги мамлакатимизда иқтисодий, социал, маънавий жараёнларнинг юз беришига чуқур сифат ўзгаришлари киритди, социалистик миллатлар ва миллий муносабатларни ривожлантиришда янги босқич очди.

Мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг иқтисодий, социал-маданий жиҳатдан амалий тенглиги таъминланди, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора мустақамланиб бормоқда. Совет республикаларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланиш даражасини бараварлаштириш вазифаси асосан ҳал қилинди. Барча социалистик миллатлар учун умий бўлган революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари вуҷудга келди. Халқларимизнинг бутун ижтимоий ва миллий ҳаётининг интернационаллашув жараёни қучурашди.

Ана шундай шароитда миллий муносабатлар соҳасидаги социализм қонунари, шу жумладан, совет социалистик миллатларининг ҳар томонлама равақат топиши ва бир-бирлари билан тобора яқинлашув қонунари ўзига кенг йўл очмоқда. Социалистик миллатларнинг равақат социализмининг

моддий-техника базасини вуҷудга келтиришда ва уни коммунизмининг моддий-техника базасига айлантира бoриш давомида таъминланди. Қардош республикалар халқларининг иқтисодий жиҳатдан равақат топганлигига барча республикалар халқ хўжалигининг пропорционал, ҳар томонлама ривожланиб-ганлиги ёрқин мисол бўла олади.

Социалистик миллатлар экономикасининг равақати уларнинг моддий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида бир-бирлари билан янада тез суръатлар билан яқинлашувига олиб боради. Етук социализм шариоитида иқтисодий соҳадаги бир яқинлашув мамлакатининг ягона халқ хўжалик комплексини вуҷудга келтирилганлиги аниқ кўринмоқда. Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съезди Украина, Белоруссия ва Қозогистон меҳнаткашларининг, Закавказье, Ўрта Осиё ва Болтиқ бўйи республикалари, СССР барча халқларининг ягона халқ хўжалиги организмни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаларига юксак баҳо берди.

Глона халқ хўжалиги комплексини коммунизмининг моддий-техника базаси қурилишига ҳар бир республика қўшаётган ҳиссани янада кенгайтиришни назарда тутди. Бу эса, бутун мамлакатнинг иқтисодий потенциалини мустақамлаш, совет кишиларининг моддий фаровонлигини муттасил ошириб бoриш, уларнинг меҳнат ва турмуш шариоитини яхшилаш учун зарур шарт-шароит яратди.

Бошқа қардош республикалар сингари Ўзбекистон экономикаси ҳам СССР ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб, социалистик меҳнат тақсими ва ишлаб чиқаришни

иқтисослаштириш негизига, мамлакатнинг хўжалик ҳаёти билан маҳкам боғлиқ ҳолда ривожланоқда. Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида республикамиз экономикасининг қардош халқлар экономикасини билан ҳамкорлиги тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол турли формаларда намойиш бўлаётир. Ўзбекистон пахтакорларининг мамлакатимиздаги бошқа пахтакор республикалар, Иваново областининг туқимачилари, пахта тoзалаш саноати ҳодимлари билан, шунингдек, Чирчиқ ва Немерово химиклари, Бекобод ва Урал металлургиялари, Ангрен ва Дюнасе шахтёрларининг республикамизга муносақаси анъанавий равишда кенг кўлач ёзмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари совет республикалари вакиллари билан биргаликда умумхалқ БАМ қурилишида, РСФСРнинг Нюкоратуруқ зонасидаги йирик халқ хўжалиги объектларини барпо этишда, Тюмень области ресурсларини ўзлаштиришда фаол қатнашмоқдалар.

Барча иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ўн биринчи оеш йилликда янги куч билан аяқ олмақда. Бунда республикаларо меҳнат тақсимиотининг самардорлиги муттасил ошиб, ҳар бир республиканинг ягона экономика доирасидаги вазифаларни ҳал қилишга қўшаётган ҳиссани кўпайиб бoраверди.

Совет республикалари, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал ривожланишида КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини, Пленумда тасдиқланган СССР Озқ-овқат програм-

масини, партия Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Бу Пленумларнинг қарорлари КПСС XXVI съездининг бутун халқ хўжалиги самардорлигини, совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш йўлининг мантйий давомидир.

Социалистик миллатларнинг сиёсий равақати ва ўзаро яқинлашувига демократик централизм ва социалистик федерализм совет демократисини принциплари асосида иттифоқ давлатининг мустақам бўлиши ва аниқ вақтда миллий республикаларнинг давлатчилигини янада ривожлантириш катта аҳамиятга эга. СССР Конституциясининг 70-моддасида кўрсатилгандек, «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — социалистик федерализм принциплари асосида миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин равишда белгилашлари ва тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Республикаларининг ихтиёрий бoришувлари натижасида тузилган кўпмиллатли бир бутун иттифоқ давлатидир».

СССР совет халқи давлат бирлигининг тимсоли бўлиб, биргаликда коммунизм қулиш мақсадида барча миллатлар ва элатларни жипс-лаштиради.

Совет республикалари кўпмиллатлилардир. Барча миллат вакиллари Совет Иттифоқининг қаерида яшайдиган қатъи назар, давлат ва партия органларида ўз вакилларига эгадирлар. Бунда уларнинг ишчанлик ва гоий-ахлоқий фазилатлари албатта ҳисобга олинади. Партия, комсомол, касаба союзи ва бошқа оммавий ташкилотлар ва уларнинг раҳбар органлари интерна-

